

ЯНГИ ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАР —
МАДАДҚОРИМИЗ



ҚАРИСИ БОР
УЙНИНГ
ПАРИСИ БОР



ШАҲРИМИЗ
БОҒ-РОҒЛАРГА
БУРКАНСИН



ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ —
САЛОМАТЛИК
ГАРОВИ

ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 108 (9.911)

2003 ЙИЛ 4 ИЮНЬ



Ватанимизнинг муқаддас остонаси

Тошкентим —
боғу бўстони

«Тошкент — шарқ дарвозаси, деб ном олган, улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир».
Ислом ҚАРИМОВ.



Мамлакатимизнинг бош шаҳри, миллатимизнинг гурури, фаҳри бўлмиш гўзал ва салобатли, муаззам шаҳар — Тошкент! Унинг бугунги кўрки-таровати, мухташам биноларию қатор-қатор ва турли-туман машиналар қафтдек текис йўллар бўйлаб «сузадиган» кенг ва мафтункор кўчалари, мумтоз ва замонавий бунёдкорлик чўққиларини ифода этувчи бутун-бутун меъморий мажмуалар, маҳобатли кўприклар, ям-яшил боғлару ҳар қадамда дилларга сурур бахш этувчи гулзорлар, осмону фалакка интилувчи ранг-баранг фавворалар кимларни лол қолдирмайди дейсиз!

Айниқса, жонажон пойтахтимизнинг бугунги кундаги кифоиси мислсиз фойз касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳа, мамлакатимиз кўзгуси, бебаҳо дуру гавҳари Тошкентимиз кун сайин бетакрор ва фусункор бўлиб бормоқда. Бунинг ҳаммасига эса атиги ўн бир йилдан ортиқроқ вақт ичида эришилганини ўйлаб кўринг-а!

Истиқлолдан олдинги Тошкентни эслайлик: марказий майдон, Халқлар дўстлиги мажмуаси, яна бир-икки диққатга сазовор жойларни бармоқ билан санаш мумкин эди. Дунё кезган сайёҳу расмий ташриф эгаларига кўз-кўз қиладиган тузукроқ объектларни топиш мушкул эди. Шўролар

даврида кўп мақталган зилзиладан кейин тикланган Тошкентнинг ўртамиёна, оддий шаҳарлардан фарқи кўп эмасди. Эски шаҳарни-ку қўяверасиз. Бир сўз билан айтганда, айтарли мақтанишга салмоқли асос қарийб йўқ эди.

Тошкентнинг бугунги кифоасига қараб туриб, Мустақиллик, Истиқлолнинг буюқ қудратли кучига яна бир бор амин бўласан, киши. Ўз эркини кўлига олган, озодлик наҳидасини сураётган халқ нималарга қодир бўла олиши кўз олдинда гавдаланади, беихтиёр тасаннолар айтасан. Тошкент — Истиқлолнинг жонли тимсоли, хур-озод халқ қудратига қўйилган жонли ҳайкал, дея ҳайкиринг келади. Ҳа, пойтахт мадҳини ҳар қанча қуйласанг, кўларга кўтарсанг кам.

Ҳар бир ишнинг ташаббускори, бошловчиси, раҳнамоси бўлиши табиий. Тошкентни Тошкент қилган, энг замонавий пойтахт шаҳарга айлантиришнинг ҳам ташаббускори, фидойиси, бош меъмори бор. Бугунги шаҳри азимдаги катта-кичик — ҳар бир диққатга сазовор ўзгаришларнинг бошида ким турганини қарийб ўн икки йилдан бери кузатиб келаётган синчков халқимиз яхши билади. Тошкентни жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш бўйича узок истиқболга мўлжалланган бош режа ижодкори муҳтарам Юртбошимиз, халқимизнинг чексиз ҳурмат-эътиборини қозонган давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Қаримовдир. Айнан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ улар Тошкентни қайта таъмирлаш, уни буюқ тарихга, нозик таъб ва назокатга эга бўлган зукко халқимизга муносиб кифоага келтиришга ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Тошкентнинг ҳар бир объекти меъморий ечимини мажмуий ҳал этишнинг ташаббускори ҳам, шаҳар-созликда замонавий усулларни жорий этишни қўллаб-қувватловчи ҳам, кенг ва равон кўчалар, йўллар, маҳобатли кўприклар бунёд этилишининг бошида турган ҳам Юртбошимиз.

(Давами 4-5-бетларда)

ХХҲ саҳоси
Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримов Фармонлариға мувофиқ Бахтиёр Анварович Исломов Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ва унга Фавқуллода ва Мухтор элчи дипломатик мартабаси берилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бугун матбуотда эълон қилинди.

• Кеча Олий Мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар» тўпламининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

• Жанубий Кореянинг «KT&G» компанияси Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига кўмак сифатида 200 та «Pentium-4» компютери, 50 та лазер принтер ва сканер топширди.

• Самарқанддаги «Сино» маиший музлатгичлар заводида БМТ Тараққиёт дастурининг озон қатлами учун безиён музлатгичлар ишлаб чиқариш имконини берувчи янги линияларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.



Жаҳонда

• Бугун Шарм-аш Шайхда Америка-араб саммити доирасида АҚШ Президенти Жорж Буш, Исроил ва Фаластин бош вазирлари А.Шарон ва М.Аббослар «Йўл харитаси» тинчликни таъминлаш режасини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан учрашишди.

• Кеча Франциянинг Эвиан шаҳрида «Катта саккизлик»ка кирувчи давлатлар етакчилари иштирокида ўтказилган саммит ниҳоясига етди. Саммит қатнашчилари жаҳонда тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши кураш ва бошқа қатор долзарб иқтисодий-сиёсий мавзуларни муҳокама қилдилар.

• АҚШ Президенти Жорж Буш наркотерроризмга қарши кураш дастуридан келиб чиққан ҳолда Америка банклари ва молиявий ташкилотларига Колумбия ва Мьянма кўзғолончилар армиялари вакиллари билан ҳисоб-китоблар ўтказишни таъқиқлади.

• Кеча Испанияда йирик темир йўл ҳалокати рўй берди. Йўловчи ва юк ташувчи поездларнинг тўқнашиб кетиши натижасида ҳалок бўлганлар бор.



Иқтисодиёт

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Бугун шахримиздаги тадбиркорлик билан фаолият кўрсатаётган «Эрдон-Нор» хусусий фирмасида янги маҳсулот — «Виолетто» деб номланган меҳмонхона мебеллар тўплами ишлаб чиқарилди.

Хонадонингизга ўзгача файз бағишлайдиган ушбу мебел тўплами дизайни чет эл каталоглари асосида яратилган бўлиб, унга корхона дизайнери Шўҳрат Эрдонов бирмунча янгиликлар киритган. Ушбу ихчам, қулай, қиёролли ва мустаҳкам мебел маҳсулотини ишлаб чиқаришда сифатли ҳам ашадан фойдаланилган. «Виолетто» пойтахтимиздаги мебел дўконларида хариддорларга тортиқ этилади.

РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Пойтахтимиздаги «MIRSAZAVA» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида яқин кунларда рангли телевизор ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Айни кунларда ушбу янги маҳсулотнинг тажриба нусхасини тайёрлаш борасида тадбиркорлар астойдил изланишмоқда. Шуниси эътиборлики, бозор талаблари асосида иш юритаётган тадбиркорлар хариддорбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Очиқ майдонларга ўрнатиладиган овоз кучайтиргичлар, компьютер асосидаги лингафон техник мажмуаси жорий йилдаги янги маҳсулотлар сирасига кирарди.

Корхонада ишлаб чиқарилган очиқ майдонлар учун овоз кучайтиргичлар экинча мамлакатимизнинг Хоразм вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида синовдан ўтди. Айни кунларда жамоа ахли томонидан тайёрланаётган маҳсулот турлари 90 дан ошди кетди. Йил охиригача ушбу рақамни 100 хилдан ҳам ошириш кўзда тутилган.

Дилноза ГИЁСОВА

САМАРАДОРЛИК ОРТАДИ

Шахримизда тадбиркорлик билан иш юритаётган корхоналар талайгина. Шулардан бири «Ҳикмат Раҳмат» масъулияти чекланган жамиятидир.

Мазкур корхонада тайёрланаётган металл заводлари учун «Эмульсол» мойлаш, советиш, зангдан асровчи воситаси сифати билан бюртмачилар талабини қондириб, эътиборини қозонмоқда.

— Корхонамиз 1993 йилда ўз фаолиятини бошлаган, — дейди жамият раҳбари ўринбосари Хайрулло Раҳмонов. — Тадбиркорларга яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётганимиз боис бюртмачиларимиз сифати ортди. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамияти, «Тошқишлоқмаш» корхонаси ва бошқа шу каби бюртмачиларимиз маҳсулотимизнинг сифати ва афзалликларидаман мамнун бўлишмоқда. Энг муҳими, маҳсулотимиз маҳаллий ҳам ашё асосида тайёрланади. Айни кунларда корхонамизнинг айланма даромади 5 миллион сўмни ташкил этади. Жорий йилда корхона темир-бетон буюмлари заводлари учун мойлаш воситасини ишлаб чиқаришни режаллаган. Шунингдек, қўшни давлатларга маҳсулот экспортини йўлга қўйиш мақсадимиздир.

Шаҳло ҲОШИМОВА



Ҳозирги кунда ушбу корхонанинг фаолияти ривожланипти, десак хато қилмаймиз. Бир неча йиллар аввал корхона танг ахволга тушиб қолганди. Давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, корхонага кредит ажратилиб, унинг ҳисобидан замонавий дастгоҳлар сотиб олинди, цехлар қайта реконструкция қилиниши ҳамда янги замонавий технологиялар жорий этилиши бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Корхонага ўрнатилган «Liebherr» номли немис фирмасининг қайта ишлов берувчи маркасида иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, барча юмушлар ўзи тузган дастур асосида бошқаради ва юқори сифатли деталь тайёр бўлгунча шафтоф экрандан кузатиб туради. Карабсизки, бир дақиқадан сўнг жуда аниқликда тайёрланган деталь юзага келади. Республикаимиздаги бошқа ҳеч қайси корхонада ишлаб чиқарилмайдиган мазкур деталлар экскаватор, бульдозер, грейдер, шунингдек, тракторларга ўрнатилмоқда.

Корхонада янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши туфайли заводнинг аниқ навий маҳсулотлари — халқ ҳўжалиги ва қишлоқ ҳўжалик техникасида ишлатиладиган мотор-редукторлар, пахтачиликда фойдаланиладиган тракторларнинг орқа ва олд қўприкчалари, турли модификациядаги редукторлар аввалгиларидан юқори сифати, чидамлилиги ва рақобатбардошлиги билан фарқ қилади.

Шунингдек, ўзининг қўли сонли хариддорларига эга бўлган халқ истеъмоллари буюмлари: икки тарафлама чиқилдиган нарволар, «Кувенча» болалар велосипедлари, уй шароитида консервалашда

қўлланиладиган машиналар, телевизор учун столча ва бошқа қўллаб маҳсулотлар бугунги кунда жаҳон талаблари даражасида ва аввалгидан қисқа муддатларда ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари корхона тадбиркорлари яқин кунларда янги цехдаги реконструкция ишларини тугаллаш арафасида. Бу ерда тез орада «Hogton Durferri» номли етакчи немис фирмасининг замонавий автоматик кимётермик линияси

диган вертикал фрезерли культиваторларни тайёрлай бошлагандилар.

Бугунги кунга келиб корхона тадбиркорлари юксак аниқликда ишловчи техникаларнинг самарадорлигига амин бўлган ҳолда Франциянинг «Кун» номли фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш арафасида. Маҳаллий мутахассисларимиз французларнинг қишлоқ ҳўжалик техникаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштира бошладилар. Келажакда катта самара бериши кўзда тутилган мазкур техникалар учун харидорларини ҳадемай мамнун этиши учун корхона ишчи-ходимлари астойдил ишга киришганлар.

Ушбу жамият ходимларининг ўртача маошлари 55 миң сўмдан зиёди ташкил этмоқда. Заводга қарашли Ангрэн шаҳри атрофидаги дам олиш масканида ҳар йили 600 нафар ишчи-ходимлар имтиёзли йўлланмалар орқали ҳордиқ чиқарадилар. Корхонанинг ўз поликлиникаси ҳамда спорт мажмуаси ҳам ишлаб турибди.

«Ҳаракатда — баракат» деган нақлга амал қилган корхона жамоаси белгиланган режаларни амалга ошириш учун тинмай изланмоқдалар. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган сифатли, чидамли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдирish учун бел болаганлар.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: корхонанинг етакчи дастурловчиси Шамил Раҳматуллин ва бош муҳандис, техника масалалари бўйича бошқарув раиси Геннадий Лемлар тайёр детални кўздан кечирмоқдалар; корхона цехларида ўрнатилган хорижий технологиялар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

• ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Замонавий технологиялар

Пойтахтимиздаги «Ўзқишлоқмаш—холдинг» компанияси тасарруфидagi «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамияти бир неча йиллардан буён корхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури асосида иш юритмоқда.

ишга туширилади. Мазкур линияда металлдан асалган деталлар углерод билан тўйинтирилади. Шундан сўнг уларнинг мустаҳкамлиги ошиб, хизмат муддати ортади. Линиянинг яна бир афзаллиги — деталларга термик ишлов берилган тақдирда ҳам у аниқ ўлчамини сақлаб қолади.

Эътиборли томони, бу каби техник линиялар нафақат МДҲ мамлакатлари, балки Европада ҳам кам учрайди. Жумладан, 1995 йилда бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг ахил жамоаси янги турдаги (аввал ишлаб чиқариш ихтисослаштирилган маҳсулотлар) қишлоқ ҳўжалигида қўлланила-

амалга ошириш учун тинмай изланмоқдалар. Улар ўзлари ишлаб чиқараётган сифатли, чидамли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан ички бозоримизни тўлдирish учун бел болаганлар.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: корхонанинг етакчи дастурловчиси Шамил Раҳматуллин ва бош муҳандис, техника масалалари бўйича бошқарув раиси Геннадий Лемлар тайёр детални кўздан кечирмоқдалар; корхона цехларида ўрнатилган хорижий технологиялар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

• АНЖУМАНЛАР

Аёлнинг жамиятдаги ўрни

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятида Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Раҳбар аёлнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида семинар ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган факулдада ва мухтор элчиларнинг рафиқалари, Шайхонтохур туманидаги раҳбар аёллар ва ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди.

Мазкур тадбир кенгаш томонидан 2002 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон аёлларининг бугунги кунда хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги роли» номли дастури доирасида ўтказилди. Семинарда мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фан, маориф, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат, тадбиркорлик соҳаларида аёлларнинг фаолияти муҳокама этилди. Шунингдек, жамиятдаги муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон аёлларининг роли, хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг аёл вакиллари билан доимий алоқа-лоқаларни таъминлаш ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги роли» номли дастури доирасида ўтказилди. Семинарда мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фан, маориф, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат, тадбиркорлик соҳаларида аёлларнинг фаолияти муҳокама этилди. Шунингдек, жамиятдаги муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон аёлларининг роли, хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг аёл вакиллари билан доимий алоқа-лоқаларни таъминлаш ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдаги роли» номли дастури доирасида ўтказилди.

Мабнала хонумнинг таъкидлашича, мазкур семинарни ўзбек аёлларининг хорижий давлатлардаги турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган аёллар билан дўстлик ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун қўйилган қадам деса бўлади.

Анжуман доирасида шунингдек, «Шарқ гули» фабрикасининг маҳсулотларидан ташкил топган кўргазма ва Беньков номидаги коллеж талабалари яратган бадий миниатюралар намойиш этилди.

«Туркистон-пресс»

• ҲАМКОРЛИК

Қурилиш лойиҳалари

Германиядаги Веймар шаҳри архитектура-қурилиш академияси олимлари томонидан тайёрланаётган лойиҳалар мукамаллиги ва замонавийлиги билан ажралиб туради. Академиянинг бу борада орттирган бой тажрибасидан Тошкент архитектура ва қурилиш институтида фойдаланиш тадбирлари қўрилмоқда.

Шу мақсадда олий ўқув юртининг шаҳар қурилиши ва ҳўжалик кафедраси немис академияси билан ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйиш арафасида турибди. Узаро келишув асосида мутахассислар айирбошлаш, илмий изланишлар олиб бориш режалари амалга оширилади.

Кафедранинг Россия Федерацияси архитектор олимлари билан ҳам ҳамкорлиги яқши самара бера бошлади. Нижегород архитектура-қурилиш академияси билан ўқув-методик ва илмий-ахборотлар айирбошлаш борасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари Чимкент кимё-технология институти изла-нишлари кафедраси илмий фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўрол ШЕРДОНОВ

Ижобий баҳоланди

«Пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноатларни ривожлантириш истиқболлари» деган мавзуда ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси олий ўқув юртида шу соҳалар бўйича билим олаётган толиби илмлар учун жиддий синов бўлди. Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти ташаббуси билан уюштирилган бу анжуман дастуридан ўрин олган маърузалар асосан бакалаврият талабалар томонидан ўқилди.

«Пахта тозалаш саноатининг долзарб муаммолари, тўқимачилик саноати машиналари ва ускуналари» шўбасининг ўзида 30 нафардан ортик изланувчан бакалаврлар чиқиб қилишди. «Пахта тозалаш корхоналарида нам пахтани қуриштиривчи инновацион лойиҳаси», «Пахта тозалаш заводининг чангсизлантириш технологияси», «Пахтачи хаво фавворасида тўқувчи қуриштиривчи ускуналари» каби маърузалар эва ижобий баҳоланди.

Конференциянинг «Енгил саноат маҳсулотларининг технологияси», «Ипақ технологияси», «Пардозлаш, кимёвий тозалар ва матбаа технологияси» шўбаларида ҳам бакалавр талабалар ўзларининг энг яқши изланишлари натижалари бўйича маърузалар билан чиқдилар.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳар марказида бунёд этилган Темирийлар тарихи музейи мажмуини оласизми, Ўзбекистон Ташкилотиди фаолият миллий банки ва у билан боғланиб кетган меҳмонхона, спорт — кўрғазмалар мажмуини оласизми, Ўзбекистон миллий боғи ва унинг атрофида бунёд этилган маданият, маъмурий, маиший мажмуани оласизми, жаҳон андозаларига мувофиқ қурилган «Юнусобод», «Жар», «Гольф-клуб» спорт мажмуаларини оласизми — уларнинг ҳар бирида давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигини кўрганмиз.

Бир вақтлар «Ўзбекистоннинг аянчли ўтмишининг хошиди сифатида» ўз ҳолича қолдиришга қарор қилинган Эски шаҳарни олайлик... Уни эпакага келтиришнинг иложи йўқдай туюларди. Бунинг устига ҳар бир кичкина ҳовлида икки-учталаб оилаларнинг яшаши аҳолини турар жой билан таъминлашда кескинликни юзага келтириши мумкин эди. Бу ерда катта ўзгаришлар қилишга улкан журъат керак эди. Шу журъат ҳам ҳамisha эл-юрт гамида яшовчи давлатимиз раҳбаридан топилди. Эски шаҳарнинг тор, эгри-бугри кўчалари бўйлаб Президентимизнинг мутахассислар билан пиёда айланганларини Зарқайнар кўчаси, «Хастимом» мажмуи атрофидаги кўчалар ахли яхши билишади.

Корасарой, Сағбон, Фаробий кўчаларининг фақат номи қолди. Улар ўрнида кенг, равон йўллар, табиий газ қувурлари ўтган обод хонадонлар пайдо бўлди. «Қоратоп», «Қумирчи», «Чакар» маҳаллалари қандай кўримсиз, аянчли бўлганини кексалар яхши билишади. Ҳозир эса бу ерларда барча қулайликларга эга бўлган замонавий турар-жой бинолари қад ростлади.

Шуниси диққатга сазоворки, пойтахтда транспорт ҳаракати йўлларини таъмирлаш, кенгайтириш, кўприк иншоотларини режалаштириш ва бунёд этиш билан боғлиқ муаммолар ечимида ҳам Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрлиги ва иштироки бор. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида 129 километр йўллар қурилди, 9 та улкан кўприклар бунёд этилди, 10 та автомобиль йўл ўтказгичлари, 10 та йўловчи ер ости ўтиш йўли, 5 та транспорт туннеллари барпо этилди. Улар пойтахт ахлига, кўлдан-кўп транспорт ҳайдовчиларига катта қулайликлар яратди. Энг муҳими, шу давр ичида Президентимиз ташаббуси билан Тошкентнинг кичик-ички Халқа йўли қурилиши бошланди. Ҳозиргача унинг дастлабки йўналишлари фойдаланишга топширилди. Буюк Илақ йўли, Паркент, Пушқин, Усмон Носир кўчаларида Халқа йўлини туташтирувчи учта йирик кўприклар қурилди. Кичик Халқа йўлини тўлиқ ишга тушириш учун бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти.

Пойтахт ва пойтахтликлар ифтихорига айланган Тошкент метроси қурилиши давом этаётганиги, унинг янги — учинчи йўналиши биринчи навбатининг ишга туширилганлигини ҳеч муболагасиз Истиклолнинг салмоқли ютуқлари сирасига киритиш мумкин. Мазкур йўналиш Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида шаҳар ахлига тўхфа қилинди. Ана шу йўналишини яна уч бекатида қурилиш ишлари кетаяпти. Сергели йўналиши бўйича лойиҳа ишлари давом этмоқда.

Пойтахт ободончилигининг муҳим тармоғи — маънавият ва маданият иншоотлари қурилишидир. Ўзбек Миллий академик драма театри, «Туркистон» саройи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва бошқа маданият ва санъат қошоналарининг

бунёд этилиши ҳам назардан четда қолмади. Уларнинг бугунги қиёфасида Президентимиз раҳнамолигининг аҳамияти катта бўлди. Айниқса, «Хотира» майдони, Шаҳидлар хотираси зиёратгоҳи, Қатагон қурбонлари музейининг бунёд этилишида берган зарур маслаҳат ва тавсиялари туфайли ушбу ёдгорлик мажмуи пойтахтликларнинг муқаддас ва севимли масканига айланди.

Шарқ бозорлари билан машҳур, дейишади. Бизнинг бозорларимизнинг шўро давридаги аҳоли маълум. Истиклолнинг дастлабки йиллариданоқ халқ турмуш маданиятининг кўзгуларидан бири бўлган бозорларни ободонлаштиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Олой ва Миробод бозорлари, Эски жўва, Қўйлик ва Юнусобод бо-

Тошкентим — боғу бўстоним

каш, ҳамма кўча ва хиёбонларни гулзорларга айлантириш ишлари билан кўшиб олиб борилаётгани алоҳида диққатга сазовор.


Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Амир Темур хиёбони, «Боғи Эрам», Бобур номидаги боғлар, яқинда буюк ўзбек адиби Ғафур Ғулом ҳайкали тантанали очилган кўркам боғ ва бошқа яшил хиёбону гулзорлар пойтахт хавосининг мусабфолиги, шаҳар iklimини юмшатишда муҳим роль ўйнамоқ-

гулзорлар, майсазорлар ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, пойтахтимизни боғ-роғларга, гулларга буркаш ҳар биримизнинг фуқаролик, ватанпарварлик бурчимиз.

— Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида, — дея ҳикоя қилади шаҳар Ободонлаштириш бош бoshқармаси кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бошлиғи Ботир Ортиққўжаев, — пойтахтнинг «яшил» дастури ишлаб чиқилди, — бунда умуман шаҳар меъморчилигининг, шунингдек ҳар бир кўча, майдоннинг ўзига хос хусусияти, пойтахт туманлари аънагалари ва уларнинг жойлашиши эътиборга олинди. Ана шундай тақлифлардан сўнггина янги хиёбонлар, боғлар, яшил кўчатлар ўтқазиладиган

Тошкентда бўлиб ўтган ЕТБ анжуманига ташриф буюрган Канада

Ватанимизнинг муқаддас остонаси



зорлари, бошқа савдо мажмуалари ҳар қандай меҳмон ва ватандошларимизни лол қолдиради.

Бугунда уч-тўрт юлдузли «Ле-Меридиан-Ташкент-Палас», «Гранд-Мир», «Дедеман-Силк Родд-Ташкент», «Радиссон САС-Ташкент» номлари билан савлат тўкиб турган замонавий меҳмонхоналар «Интерконтиненталь-Ташкент», «Шератон-Ташкент» каби энг нозик дидли хорижликларга ҳам ёқиб тушадиган мажмуалар сафини тўлдирди. Тошкентимиз манзарасида кўзга ташланадиган яна бир янгилик — ҳар бир мухташам бино, муюлиш, катта-кичик кўчалар бўйлаб кетувчи буш саҳнлар алвон гулларга бурканган.

Минглаб чироқлар нурига чўмган Тошкент оқшомлари, тунги фаввораларнинг ранг-баранг товланиши, марказий кўчалардаги ёруғлик безаклари ҳеч муболагасиз киши қалбида унутилмас таассуротлар қолдиради, осойишталик, фароғат бахш этади. Бугунги сайёҳ, дунёнинг турли қитъаларидан қадам ранжида қилган меҳмон муаззам пойтахтимизнинг қай бурчагига бормасин — шаҳарнинг жануб ёки шимол, шарқ ёки ғарб томонига йўл олмасин — ўзига хос ва бетакрор меъморий мажмуалар, осмонўпар қошоналар, дам олиш масканлари-ю сайилгоҳлардан бир олам қувонч билан кайтади.

Қуриб турганимиздек, Мустақиллик даврида пойтахтимиз янгидан яшарди, бир неча ўн йиллардан бери қаровсиз қолган боғларга янги ҳаёт бахш этилди, уларда замонавий ҳусн ва фусункорлик, улкан салобат касб этди. Бу ердаги бунёдкорлик шаҳарни ям-яшил боғларга бур-

да. Катта майдонларни эгаллаган Тошкент хайвонот боғи, «Аквапарк», «Ташкентленд», Япон боғи ҳамisha одамлар билан гавжум. Яқинда фойдаланишга топширилган «Чорвоқ» соғломлаштириш мажмуаси ҳам эътиборга лойиқдир.

Шу ўринда Президентимизнинг куйидаги гаплари ёдга келади: «...кейинги йилларда Тошкент афсоналардагидек яшариб ва яшаноб, бор гўзаллиги ва мухташамлиги билан мустақил, келажаги буюк давлатга хос ва мос ҳақиқий пойтахт шаҳарга айланмоқда». Ҳақиқатан ҳам бугунги Тошкент билан ҳар қанча фахрланасан оз. Буни ҳар куни пойтахтга қадам ранжида қилувчи юз минглаб меҳмонлар ҳам эътироф этмоқда. «Тошкентга мен биринчи мартаба келишим, — деди машҳур «Шелл-Интернешнл» компаниясининг стратегик масалалар бўйича маслаҳатчиси Нил Кармайкел. — Шаҳарнинг ям-яшил, кўркам, гулларга бурканган хиёбонлари мени хайратга солди. Гуллар ватани — Голландияда бундай яшилликни фақат махсус жойларда учратиш мумкин, сизнинг Тошкентингизга ўхшаб бутун шаҳар бўйлаб эса — бунақаси бизларда йўқ... Яқин кунларда яна Ўзбекистонга келиш нияти бор, нега деганда «Шелл» компаниясининг бу ердаги фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз, демек, ўз-ўзидан гуллар шаҳри — Тошкентга ҳам албатта бўламан...»

«Euroinvest» журнали муҳаррири Жон Мур пойтахтимиздан олган таассуротларини шундай изҳор қилади:

Халқаро агентлиги директори Ингрид Нутсон шахримиз гўзаллиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, ҳамшаҳарларимизнинг гулларга бўлган меҳр-муҳаббатини таъкидлаб ўтди. «Оқлон» маҳалласи мисолида, — деди Ингрид хоним, — ўзбек халқининг ажойиб миллий аънагалари билан танишишга, маҳалла ахлининг бир-бирига яқин қариндошдек меҳр-оқибатлиги, ғамхўрлигини кўришга муваффақ бўлдим. Маҳаллалардан ўлдидаги мўъжазгина гулзорини эҳтиёткорлик ва меҳр билан парвариш қилувчиларини кўриб завқландим. На ўзгас, Ўзбекистонга, яшилликка бой пойтахтингизга яна келаман ва албатта ўзим билан юртингизда дўстлик рамзи сифатида менга совға қилинган анор кўчатининг меваларидан олиб келаман. Саховатли ўзбек халқига ўз миннатдорчилигини билдириб, яна бир бор гўзал Тошкентга ташриф буюришни интизорлик билан кутиб қоламан».

Давлатимиз раҳбари, республика ҳукуматининг тинимсиз ғамхўрлиги туфайли шахримиз қиёфаси доимий янгилиниб, яшариб янада гўзал чирой ва салобат касб эта бораверади. Айни пайтда пойтахт ахлининг жонажон шахримизга меҳр-муҳаббати, унинг чиройига чирой қўшиш йўлидаги интилишларининг ҳам муҳим ўрни бор. Зеро, ҳар бир кўча ва хиёбони, маҳалла гузарларини, кўп йўлларни уйлар ҳовлиларини, маъмурий-маданий ва саноат иншоотлари, хилма-хил муассасалар худудларини кўкаламзорлаштириш, ҳар қадамда

жойлар белгиланди. Кейинчалик эса, Президентимиз тақлифига асосан Тошкентни гуллар шаҳрига айлантириш бўйича махсус дастур тайёрланди. Мазкур йўналишда кўчатларни ўтқазиб ва парваришларининг янги усуллари, технологияларидан фойдаланила бошланди...

Юртбошимиз давлатларига амал қиладиган бўлса, пойтахтни яшил воҳага, боғ-роғу гулзорларга айлантириш ишлари пухта ўйланган режа асосида, ўзаро мутаносиблик билан олиб борилиши шарт. Қаерга манзарали дарахт, қаерга игна баргли ёки мевали дарахт ўтқазиб, қаерларда гулзор, хиёбонлар, кўмкўк майсазорлар ташкил этиш, фавворалар бунёд этиш — буларнинг ҳаммаси жой-жойида, ўрнида бажарилиши лозим. Шу билан бирга бир пайтлар пала-партиш экилган, ўз хусусиятларини йўқотган эски, носоғлом дарахтлар ўрнига инсон саломатлиги учун фойдали, икли-

мимиз шароитларига чидамли бўлган эман, қайрағоч, каштан, клён, ясенъ ҳамда доимий яшил можжевельник, арча, туя каби игна баргли ўсимликлар турини экиш ишларини давом эттириш керак бўлади. Шундай қилайликки, кўча ва хиёбонларимиз, йўллар, турар-жой мавзе ва даҳалари — ҳамма-ҳаммаси ҳавони мусабфо қилишга хизмат қилсин. Шу мақсадда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, давлатимиз раҳбарни айтганларидек, илмий ёндошилган ҳолда, замонавий қиёфадаги янги-ча ЛАНДШАФТ МЕЪМОРЧИЛИГИ асосида олиб борилиши зарурдир.

Обод маҳалла йили деб эълон қилинган йилда айниқса янги-янги боғ-роғлару гулзорлар ташкил этишга алоҳида эътибор бериш керак. Бунда пойтахтнинг маҳаллалар ўрамидаги «яшил белбоғи»ни кенгайтиришга эътибор қаратиш лозим. Кейинги пайтларда пойтахтимизнинг бир неча жойларида дам олиш учун янги турдаги майсазорлар пайдо бўлди. Шаҳарликлар уларнинг афзалликларига баҳо беришга улгурдилар. Дам олиш, болалар билан биргаликда сайр қилишга мўлжалланган бундай яшил майсазорларни кенгайтириш керак. Буларнинг бари бизнинг мавзеларимиз, кўчаларимиз, гузарларимиз ва маҳалларимиз ободончилигининг асосини ташкил этади. Ажойиб удумларимизга амал қилиб, уй ва ҳовлиларимизнигина эмас, уларга туташ кўча ва хиёбонлар, майдонларни ҳам кўкаламзорлаштириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этиш керак. Ана шундагина ўз ишимиздан ва ўзимиздан масрур ва мағрур бўламиз.

Халқимиз зукко ва нозиктаб халқ, боғ ва гулзорлар шайдоси. Қўли гул халқ дейишларига ҳам шу сабабдир. Ҳар қалай, бизда катталаргина эмас, балки ёш болалар ҳам бир таёқни «ерга суқиб», ундан мева ўндира олади. Бинобарин, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг улкан саъй-ҳаракатлари билан яратилган гўзал, бетакрор ва юксак замонавийлик асосида бугунги қиёфага кирган жонажон пойтахтимизни ақлу заковатимиз, маънавият ва маданиятимиз, ўз кўлларимиз билан дунёнинг энг донги кетган шаҳарларидан қолишмайдиган боғу бўстон масканига айлантиришимиз керак.

Мазкур хайрли ишда фаол қатнашиш пойтахт жамоатчилиги, маҳалла оксоқоллари-ю уларнинг кўп миң кишилик фаоллари, катта-ю кичик — ҳаммамиз учун виждоний бурчимиз, қалб амримиз бўлмоғи лозим. Шундай қилайликки, Тошкентга келган ҳар бир меҳмон, шахримиз ҳар бир фуқароси кўча ва хиёбонларимизда, боғ-роғлару гулзорларимиз, фаввораларимиз олдида хузур-халоват олсин, Тошкентдек ажиб шаҳар борлигидан қалблари гурурга тўлсин.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Тошкент янада кўркам ва чиройли, Ватанимизнинг ҳақиқатан ҳам муқаддас остонаси бўлиб қолаверади.



Акмал АКРОМОВ.

ТАХРИРИЯТДАН: Азиз ҳамшаҳарлар! Тошкентимизни боғ-роғлар ва гулу гулзорлар шаҳрига айлантириш, унинг шухратига шухрат қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик, инсоний бурчимиз.

Бинобарин, пойтахтимизда яшил худудлар барпо этиш ҳаракати кенг кулоч ёймоғи лозим. Газетамиз саҳифаларида очилган «ТОШКЕНТИМ — БОҒУ БЎСТОНИМ» деган янги руҳ сиз азизларнинг шу йўлдаги саъй-ҳаракатларингиз, интилишларингизни кенг ёритиб боришга бағишланган.

Айни пайтда тахририят мутахассислар, уста боғбонлар ва шу юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида жон куйдираётган барча-барча инсонларни пойтахтимизни яшил шаҳарга айлантириш ишида фаол қатнашишга чакиради ва шу ҳақда доимий хабардор қилиб борасиз деган умиддамиз.

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида шахримизни боғ-роғларга буркаш, майсазорлар барпо этиш, дарахтлару гулзорлар парваришлаш бўйича мутахассислар маслаҳати ҳамда тавсияларини бериб борамиз.



Алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Корягин машинанинг оқи ўриндиғида ўтирар, толиқдан эди. Эски «Жигули» икки бетиди бақатераклар тўзилган, онда сонда пахта лахтаклари тўжили қолган қўлдан борар, машина эшиги, асабини қўқатиб, муттасил гийқилларди.

Жуманов дегани, мана, тўрт ойдирки, айбини бўйича олмайди. Ҳақда группа бошлиғи Амбарцумян сикуга олиб ётибди: «Биз сизни ёш, гайратли мутахассис сифатида бу ишга жалб қилгандик. Бошқалар обком секретарларини ёнқоқдек чақиб ташладик. Сиз бўлсангиз, аллақандай совхоз директорини эплай олмайсиз».

Минг лавнат ҳаммасига! Пахта-сиягам, Жумановиягам! Аввал ҳам «шуғулланишган» у билан. Бир эмас, иккита терговчи... Умуман, ўргинчак уясига ўхшайди булар. Ҳаммаси ча-тишиб кетган.

Шу топда машина ҳайдаб бораётган Бердиев ҳам кўзига шубҳали кўринди. Область прокуратураси ходими. Пешка! Каранг, шуням тағида машина. «Ноль-олти». Ҳақда-чи? Кичик адлия маслаҳатчиси-да! Мо-тошкл ҳам йўқ... Мунча гийқиллайди бу эшик?!

— Машинангизни мойласангиз бўлмайми, Бердиев?

Бердиев ортига қараб жилмайди: — Кечирасиз, Василий Степанович! — деди чап қўли билан руль ушлаганича, ўнг қўлини кўксига босиб. — Машина меники эмас...

«Қўлини кўксига қўйишига бало борми? Куллиқ психологичи!»

— Нима, отангизникими?

— Йўқ, Василий Степанович! Қўшиниқини. Бир кунга сўраб олдим.

Корягин истехзоли кулди. — Тўшунарли... Бундан чикди, қўшингиз Қахрамон...

— Қахрамон! — Бердиев фавку-лодда ангилгани хабар қилаётган-дек, самимий шанғиллади. — Қахрамон Она! Ҳақда боласи бор.

«Хўп қахрамонлик қилтими? Каламушга ўхшаб болалаш жасорат бўлса... Аслида, мана қаерда ётибди ўғирчиларнинг илдижи! Чуврақалар тугулаверса, ейман-ичманан деб озгини очиб тураверса...»

— Айтиб қўйинг, Бердиев. Кампир машинанисининг эшигини мойлаб юрсин...

Бердиев кулди. — Кампирнинг праваси йўқ, Василий Степанович. Машина ҳайдолмайди.

— Бундан чикди, сизнинг исмингизга қандай қилинган... «Қахрамон»га қорғай қариндошчилигингиз бор?

«Новодайчи» савол, — Корягин ўзининг соддалигиндан мийғайда кулди. — Бордию, Бердиев машинисини «Қахрамон» она-номи билан хаспўшлаган тақдирда ҳам оғиздан гулармиди? Харқалай юрист...»

— Айтдим-ку, қўшини буламани! — Бердиев оркага ўгирилиб тагин шанғиллади. — Машинани кампирнинг тўртинчи ўгли ҳайдайди. Педагог. Крупская мукофоти лауреати. Мактабда рус тилидан дарс беради.

«Лауреат эмиш! Рус тилидан дарс берадилар! Қани ўша лауреатнинг шордилари? Сўроқ пайтида кўзини лўқ қилиб туради. Рус тилини билмасмиш. Аслида-ку, совет ҳокимиятида олтиш тўққиз йил яшаб рус тилини ўрганмаслик... Билади! Балони билади! Узини гўлликка солади. Кейин мажбур бўласан Бердиевга ўхшаган махаллий ҳуқуқшуносларни ёрдамга чақиршига...»

— Лауреатингизнинг машинисиз тезроқ юра оладими, ё аравадан фарқи йўқми?

— Майли-ку, йўл тор, Василий Степанович! Тележа қичиб қолиши мумкин...

— Тор бўлса, кўзанигизга қаранг! Мени биринчи марта кўраётганингиз йўқ!

Мотор кунани ўқирди. Машина шиддат билан елиб кетди. Йўл четигада бақатераклар голиб бўлди. На дархат бор, на иморат. Ҳаммаёқ пахтазор. Уфққача, кўз илгангунча... тўқ яшил, кўнғиртоб далалар. Дили гаш қилувчи манзара...

Корягин бўғриқиб, машина ойнасини туширган эди, юзига чанг урилди. Баттар хуноб бўлди. «Қанақа худо қаргаган жой бу! Сентябрь ўрталоб қолди-ку, халиям иссиққа чидаб бўлмайди...»

Орадан ҳеи фурсат ўтмай, димоғига аллақандай бўғунчи ҳид урилди. Хизматчилик! Юрист аравлашмайди соҳа йўқ. Кейинги йилларда экологияга оид ишларни кўришга ҳам тўғри келган — Днепротеп-

ровск, Запорожье... Аммо бунақанги бадбўй хиддан бахраманд бўлиш «насиб этмаган» эди... Атрофга аланглади. Нима бало, шу гадойитопмас жойда ҳам хизмавоё? Йўқ, кўз илгангунча уфда на бирон завод корпуси, на тутун бурқситган қувур кўринади. — Нима бу, Бердиев? — деди ойнани шоша-пиша кўтариб.

— Дефолиант... — Бердиев йўлдан кўз узмай бораркан, тушунтирди. — Бутифос сепмаса, ғўзанинг барги тўжилмайди.

Корягин хорғинлик билан кўзларини юмди. Дафъатан соғинч бир туйғини ҳис этди. Москва атрофи... Сокин куз... Тиниқ хотин орзиқиб кутадиған ой... Афсус, бу йил таътил ҳам харом бўлди...

Тўғри, айнан шу ойда таътилга чиқишининг битта ноқулайлиғи бор. Наташенькани ўқиши бошланади. (Бу йил еттинчи синфда ўқияпти). Устига-устак мусика мактаби — виоланчело... Лекин Ольга (доно хотин — ярим давлат) буням йўлини топган. «Ташвиш қилма, Васенька, Наташа ёш бола эмас». Тўғри айтди: подъезддаги қўшни кампирга йигирма беш сўм беришса бас — қизалоқ кечқурун иссиқсиз қолмайди. Эрталаб холодильники очса, «сухой паёк» муҳайб. Пишлоқ, колбаса, сариек,

тасаввур қилдию, юраги орзиқиб кетди. ...Тормоз нолали гийқиллаб, Корягиннинг ўзи ҳам, хаёллари ҳам тўзон ичида қолди. Уй сўриб энгашиброқ ўтирган экан. Пешонасин олдинги ўриндик суяччиғига урилиб, бир зум гарангсиз турди-да, машина йўл четига қичиб, кўндаланг тўхтаб қолганини пайқади. Тракторнинг тариллаши қулোগа кирди. Аланг-жананг қараб, бир эмас, тўртта прицеп уланган трактор тариллаб, имиллаб, катта йўлни кесиб ўтаётганини кўрди.

— Улгани кетаяптими, Бердиев?! — деди кўл дўлгаб. — Секинроқ юрсангиз бўлмайми?

Бердиев унга қарамади. Чап эшикни очиб, овози борича бир нималар деб бақирди. Тракторчи узор сўраган бўлиб, қўлини кўксига қўйди-да, прицепларини шараклатган қўйи катта кўчага бурилиб кетаверди. «Саводсиз! Аҳмоқ!»

Корягин моторни ўт олдиришга беҳуда уринаётган Бердиевга жahl билан қараб, эшик ойнасини туширди. Юзига чанг урилиб тўпурди.

Мотор ҳамон думи босилган мушукдек вигиллар, тармо қадеганда ўт олмас эди. Чанг тарқалиб, кўз ўнгига да галати манзара пайдо бўлди. Бийдек дала, пахтазор. Юз қадамча нарида, марза бошида прицеп турибди. (Хозир йўлни кесиб ўтган прицепга ўхшаган). Бошида оқ мато ўраган аёллар, дўппи кийган эркеклар икки буқланган қўйи пахта тўла этак орқалиб, прицеп томонга турнақатор келяпти. Худди ўзидан катта бўғдой бошогини ортмоқлаган чумолидек.

Бир хиллари ҳамон эгат оралаб ивирсиб юрибди. Бўйнига этак осган. Чотини кериб, гайритабий гандираклаган қўйи қадам ташлайди. Хар бир гўза бошига эғлиб, икки қўллаб пахта торади, шоша-пиша этакка тикади. Этак сония сайин ишишиб боради.

...Телевизорда пахта теримини кўрган эди. «Время»-да. Қорача ози табассорум бурлаб турган механизатор қиз... Поркега қордек ёғилаётган лўпчи пахталар...

У ана хийла тикилиб турди-ю, бир нарсани англади: булар рўмол тангинга хотинлар эмас, ёш қизалоқлар, дўппи кийган алп қоматли эркеклар эмас, ёш болалар... «Шоша, бунақа манзарани яна қаерда кўривди?»

Бердиев гудраниб қалотни очди. Моторни тиктикли бўлади.

Эслади! Уша кинода хабаш қуллар пахтани савагга тараётгани тасвирланган эди... «Бу ерда этакка териляпти...»

Бердиев бир бало қилди, мотор ўт олди.

— Бир минут! — деди Корягин ҳамон пахта тараётганлардан кўз узмай. — Ким булар?

— Теримчилар... — Бердиев қўлини исқирт доқага артиб, қалотни қарсиллатиб ётди.

— Машина-чи? — деди Корягин астойдил ажабланиб. — Нега машинада термайди?

— Пахта ялли очилмагунча машина далага тушмайди, — Бердиев жойига ўтирди. — Бундан ташқари, кўл терими тоза бўлади.

«Жигули» секин ўнғиланиб, юриб кетди. Корягин ортига қараб, ўзидан катта этакни ортмоқлаб кетаятган қизалоқларга яна кўзи тушди. Раҳми келди.

— Нега болалар ишлапти? Катталар қаёқда?

Бердиев дарҳол жавоб бермади. — Уларнинг ҳам ўзи юмуши бор... — деди мужжал қўлиб.

«Тушунарли... Боласини пахтага ҳайдайди, ўзи чайқовчилик қилади.

Новосибирскка тарвуз обориб сотади... Аслида-ку ёшларни қишлоқ ҳўжалиғи ишларига жалб қилиш ҳамма ерда бор. Москвада ҳам картошка олиб қиқшади. Юқори синфлари. Тўққизинчиға кўсча, Наташенькани ҳам қарқадилар. Балки, мусика мактабидан справка беришар — бармоқлари авайлаши керак... Узиям студентлигида картошка терган... Ёмғир ёйиб турганида... Лой чангаллаб... Бир сафар ҳатто тўрт юз килога оғилб чиққан. Пахта нима...»

— Қанчадан ҳақ олади?

Бердиев яҳши англамади шеқилли, сўради:

— Ким?

— Болалар. Терган пахтагисига?

— Килоси — бунда тийин.

«Емонас. Бир кунда беш юз кило терса, нақд йигирма беш сўм! Бир оиладан бешта бола пахтага қисса...»

(Давоми келгуси сонда)



Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗБЕК ИШИ

ҲИКОЯ

Мен «Тошкент оқшоми» газетаси ташкил этилган кундан бошлаб 1982 йилгача — 16 йил шу даргоҳда ишладим. Энди билсам, ўша йиллар ҳаётимнинг энг жўшқин, сермахсул дамлари экан. Қисқа фурсат ичида «Оқшом» фақат пойтахтимизнинг эмас, бутун Ўзбекистоннинг энг сеvimли нашларидан бирига айланди.

Саъдулла Кароматов, Тўлқин Расулов, Максим Каримов, Муҳаммад Юсуф, Маъшал Ҳакимов, Хамид Икромов, Кенжа Ҳамроев, Маматурсун Отахонов сингари фидойи иждоқорлар газетанинг обрўсини оширишга улкан ҳисса қўшдилар. (Оллох уларнинг охиригани обод қилсин). Яна талай адиб ва шоирлар, публицист ва журналистлар газетада кўп йиллар самарали фаолият кўрсатдилар. Бир қисм дўстларим, опа-сингилларим ҳамон шу даргоҳда хизмат қилишмоқда. (Уларнинг умри узок бўлсин).

Афсуски, 80-йиллар бошида мамлакатимизга офат оралади. Хар ўн-йигирма йилда бир мартадан калла олиб, ҳаммаи кўрқитиб турмаса кўнгли жойига тушмайдиган шўро сиебсати бу галги «қурбонлик» учун Ўзбекистонни танлади. «Пахта иши», «ўзбек иши» баҳонасида минглаб беғунохлар қамоққа тикилди. Бир қанчаси туҳмат ва азобларга қидомай ўз жонига қасд қилди. Бир қанчасини глянчи жаллодларнинг ўзи тергов пайтида ўлдириб, «протокол» тўғрилаб қўйди. «Пахта» деганда «кўзани тушунадиган аллақандай шахслар «айниб кетган» Ўзбекистонга «тартиб» ўрнатиш учун келдилар. Шундайлардан бири — Сибирнинг гадойитопмас жойидан келиб, Тошкентдек шаҳри азимга ҳўжайин бўлиб олган Сатин деган шахс эди. «Ўзбек иши» кампаниясининг гоёяй раҳнамоларидан бири шу шахс бўлди.

Одатда, хар қандай қатагонин «инсонпарварлик миссияси», хар қандай зулмин «адолат тантанаси» қилиб кўрсатиш учун уни «маънавий» хиҷатдан асослаш керак бўлади. Бу — унчалик қийин эмас.

Бу сафар ҳам баҳоналар топилди. Қаранг-а, биз билмаган эканмиз: Ўзбекистон коммунистлари ўз отаси, онаси, акаси ёки бошқа қаддрони вафот этса, тобутини кўтариб қабристонга бораркан. Жаноза ўқитаркан. Негадир, ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётига ажратилган соатлар рус тили ва адабиётига нисбатан кўпроқ экан. Буни қарангки, Тошкент Давлат университетидеа ўқийдиган махаллий миллатга мансуб студентлар рус талабаларига кўп экан! «Ҳой, барака топгур, коммунист бўладими, баломи, ўз яқинини сўнги йўлга қўзатишинг нимаси ёмон?» десангиз, «Русийзабон мактабларда нима учун рус адабиёти ва тилига ўзбек адабиёти ва тилидан кўра кўпроқ ўрин берилган?» деб сўрасангиз, ёки, «Нима учун Москва Давлат университетида бошқа миллат вақилларига нисбатан рус талабалари кўпроқ?» деган масалани кўндаланг қўйсангиз, «миллатчи» сифатида жазоланишингиз муқаррар эди. «Урток» Сатин иштирок этган мажлисда ўзбек тилида гапириш қамида «маданиятсизлик» саналарди...

Таассуфки, «айниб» кетган Ўзбекистонга «малакали ва виждонли кадрлар юборинг» деганлар ҳам, Гдлян, Иванов, Сатин ва бошқаларнинг ноғорасига ўйнаганлар ҳам ўз орамиздан чикди. Бу эса уларни баттар кутуртирди.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган асарда бир ҳолат бор. Марказдан келган терговчи Корягин «керак бўлса, республика раҳбарларининг ҳам тиз чўктираман», деб дағдага қилади... Чиндан ҳам шундай бўлди. Ўзбекистондек гуллаган бир мамлакатни дунё олдига шарманда қилишга уриндилар. Бизлар «қўшиб ёзувчи» бўлдик, «порахўр», «текинхўр», «боқиманда» бўлдик...

Мамлакатимизга И. А. Каримов раҳбар бўлгандан кейин вазият ўзгарди. Аниқ кўз ўнгимда турибди. 1990 йил июль ойида Москвада КПСС XXVIII съезди бўлди. Съездда Ислоом Абдуғаниевич маъруза қилиб, «пахта иши» баҳонасида бутун бир халқни бадном қилиш мутлақо нотўғри эканини исботлаб берди...

Ватанимиз мустақилликка чиққан биринчи кунларданқо Президентимиз «ўзбек иши» қатагонига қамалган барча ватандошларимизни озоқ қилиш ва юртига қайтаршига эришди.

Ўзбекистонга ўзларича «адолат» ўрнатишга келиб, амалда юртимизни талон-тароҳ қилганлар жуфтакни ростлаб қолди.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган асар ўша ҳақиқли йиллар ҳақида ҳикоя қилади. Унда тасвирланган воқеалар тўқима эмаслигини Гдлян ва Иванов деган калла-кесарлар қўлига тушган юртодошларимиз тасдиқлайди мумкин.

Уйлайманки, асар янги авлодга Истиклолга эришиш осон кечмаганини, нақадар жиддий тўқнашулар, йўқотишлар рўй берганини яна бир қара эслатади ва бугунги кунимизни кадрлашга даъват қилади.

Муаллиф

осмон... Кристалдек беғубор хаво... Ҳозир ёқши фасл. Пушкин айтганидек, «маъюс ва гўзал...» «Бабье лето» деган гап бор. Хар йили сентябрда эр-хотин таътил олиб, Подмосковьега — қайнонасиникига боришарди. Урмон. Олтиндек сарайган эманлар... Шамол эпкинида зирриллаб турган оқ қайинлар... Ям-яшил арчазор... Кузги кўзи-қоринлар...

Қайнонаси — Надежда Васильевна уларни жон-дили билан қутиб олади. Москвадаги олий категорияли ресторан ошпази ҳам борш билан чўчвара пиширишда Надежда Васильевнанинг олдидан ўтаверсин! Хайрон қолсан: «Гўзаллик салоничининг бош косметолоғи қаёқдаю, қозон-товоқ қаёқда! Олгани айтмайсикин, хотинини! Эрта-инди докторлик диссертациясини ёқлай деб турган олимпиада Кибернетиканинг мана-ман деган «худо»лари тан беради унга. Уша академиклар Оленьканинг қўзиқорин мариновча қилишлари бир кўсам! Сентябрь — эр-

туҳум... Тушлиқни мактабда қилади... Кейин мусика мактаби. Кофе бор, бутерброд... Шанба куни кечқурун саккиздан уч минут ўтганде эр-хотин Наташенькани станцияда қутиб олишди. Москвадан қайнонасиникига электриккада қирқ икки минутлик йўл.

«Папочка!» — дейди қизалоғи вагон зинасидан сакраб тушиб. Упишадилар. Кейин бабушқалариникига йўл оладилар. (Ажаб! Қизалоқ онасидан кўра уни кўпроқ яҳши кўради.)

Эртасига ота-бола кўзиқорин теришадди. Оёғига крассовка, эгнига гамаш, оппоқ водалашка кийган, қўқрағи бўртиб қолган Наташенька кўзиқоринлар буғ бўлиб ўсган жойни кўрса, ёш боладек ириғиллайди: «Папочка, қарасанг-чи, папочка, кўрмаясини?» Саватчасини сангаллатиб ўша томон юғради... Кечқурун буйвиси Наташенькани топқирлигини мактабиди...

Корягин ўша дилхуш дамлари равшан

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб Домо бўлур...

● Мухаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
● Дунёда куёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
● Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.
● Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормок ва узмок учун жасорат керак.
● Севги ўлим даҳшатидан қучқилроқ.

● Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар улгарис ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:

Хаяжон тўлқини,
хасрат, табассум,
Ширин хаёллару жон олар
масъум,

Нозик иблару
сенгадир исён —
Мухаббат соҳиб
бахтиёр инсон.

● Тўқилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бирок дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.

● Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.

● Яхши ишда ҳар доим савоҳат ҳам, куч ҳам бу йумушни охирига етказишга ҳаракат қилади.

● Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

● Жамият кишиларнинг фазилати ҳусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мумкин.

● Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.

● Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.

ХИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир кун сичқонга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм сичқон ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунликдан ҳалос қилди.

БАЙТ:

Яхшилар кетидан агар
чопарсан,
Истагин бахтингни
шундан топарсан.

Яхшига яхши бўл,
ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгин

тиканга тикан.


● Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва иккиюзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва мурасасиз бўл.

● Одамни ўзига макташ хушомадгўйлик белгисидир.

● Фақат пасткаш одамгина олдинда мактаб, орқандан ғийбат қилади.

● Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан қўрқ. Кимки хушомадга учса, ҳимоясиз қолади.

• МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ



ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Кейинги пайтларда шахримиз маҳаллаларида кўплаб ибратли, ўрнат олса арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарли томони шундаки, инсоф ва диёнатли тadbиркорларимиз маҳаллаларга қайишган ҳолда ижтимоий-маданий иншоотлар, гузарлар, спорт майдончаларининг қурилишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Шахримиздаги «Ялангоч» маҳалласида истиқомат қилувчи фермер Ориф Шарипов ҳам шундай йўл тутди. У маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашган ҳолда яқин атрофда, ҳатто маҳалла ҳудудидаги 207-мактабда ҳам бирорта спорт иншооти йўқлигини ҳисобга олиб, собиқ биохимия лабораторияси ўрнида «Биолак» саломатлик ва дам олиш клубини очишга аҳд қилди.

Тез орада тиклаш-жиҳозлаш ишлари якунланиб «Биолак» клуби ўзининг ҳар томонлама фойдали фаолиятини бошлаб юборди. Ҳозир бу ерда атлетик гимнастика, стол тенниси, шейпинг, шарқ яққакорлариди, даволаш жисмоний тарбияси, шахмат билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Машгулотлардан кейин болалар душ қабул қилишлари, ёзда эса сув ҳавзасида чўмилишлари мумкин.

— Кейинги пайтларда юртимизда болалар спортини ривожлантиришга кўрсатилётган муҳим эътибор, Вазирилар Мах-

камасининг қарорига мувофиқ Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолият бошлаши мени ҳам шун-

кўп болади, ҳам таъминланган оилалар болалари учун 50 фоиздан 100 фоизгача имтиёзлар берилади.

Шуни айтиш керакки, Ориф Шарипов ташкил этган «Биолак» хусусий корхонаси ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этади, фермерларга маслаҳатлар беради, энг асосийи эса болалар спортини, соғлом турмуш тарзини ҳам тарғиб этади, ҳам ҳаётга татбиқ қилади. Бу эса келажакда шубҳасиз ўз мевасини беради.

Шундай ибратли ташаббуслардан мамнун бўлган ҳолда жойларда «Биолак» клуби каби болалар спортини ривожлантирувчи клублар кўпайиши, тadbиркорларимизнинг ушбу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратишларини тилаб қоламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Биолак» клубида ёшларимиз спортга ошно бўлган ҳолда ўз соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар.

Алексей Попов олган суратлар.



дай ишларни амалга оширишга руҳлантирди, — дейди Ориф Шарипов. — Зеро, фарзандлари соғлом, бакуват юртининг пойдевори мустаҳкам, келажак эса порлоқ бўлади.

Маҳалла тавсиясига кўра спорт мажмуасидаги машгулотларда катнашиш учун

Бўстон холининг аламли фарёди ярим тун оромини бузди. Юракларни ларзага келтирувчи товушдан уйқуси қочган кўни-қўшилар югуртилаб кўчага чиқишди. Ҳамманинг ҳаяжонли ва хавотирли нигоҳида «Нима гап, тинчликми?» деган маъно. Маҳалла оқсоқоли Қудрат ака йиғи овози тобора кўнайиб бораётган хонадондан бошини эгганича чиқиб келди. Йиғилганларнинг саволини уққандек ранг лабини пичирлатиб: «Қора оғу ахир кучини кўрсатибди. Холининг яққо-ёлғизи оламдан ўтибди», дея олди холос.

...Бу ширин сўз, меҳр-оқибатли оилага ҳаммининг ҳаваси келарди. Кўни-қўшиларнинг яхши-ёмон кунлариде «Биз олий маълумотли агрономимиз», деб ўтирмай эр-хотин баравар елиб-югуриб хизмат қилишарди. Уларни шаҳарда яшасаларда, иккови ён-атрофдаги хўжалиқларда ишлашар, эрта кетиб кеч қайтишарди. Оилада бирин-кетин фарзандлар туғила бошлагач, хотин уйда ўтириб қолди. Аммо афсуски, меҳр билан тетапол бўлган болаларнинг ҳеч бири турмади. Улар эндигина ширин тилга кирганда ота-оналарини доғда қолдириб кетишарди. Бўстон опа ва Санжар ака бевақт ҳазон бўлган фарзандлари доғида тез қаришди.

Оилада ўз номи билан Турсунбойнинг туғилиши катта қувончга айланди. Ота-она яхши ният билан эл-улусни чорлаб ош беришди. Бироқ Турсунбойнинг келажакини кўриш отага насиб этмади. Ардоқлиси беш ёшга тўлганда Санжар ака машина ҳалокатидан вафот этди.

Тақдирнинг қийноқларидан зада бўлган Бўстон опа энди бутун меҳрини яққо-ёлғизига берди. Уни оқ ювиб, оқ таради. «Турсунбойимнинг бегона ота олдига боши эгилмасин», деб ўзига монанд эркаклардан келган совчиларга рад жавобини берди. Она ёлғизини ўқситмасликка ҳаракат қилди. Нима деса шуни бажо келтирди. Фарзанд кўнгли нимани тусаса муҳайё қилди.

Саккизинчи синфга ўтгач Турсунбойда галати одат ва қилиқлар пайдо бўла бошлади. Она бунини ёшлиқнинг шўхлиқларига бурди. Мактаб ўқитувчилари, маҳалла фаоллари Турсунбойнинг ноҳўя қилиши — кўпичина ширакайф юришидан воқиф топиб бу ҳақда бир неча бор Бўстон холини оғохлантиришди. Бу гаплар онанинг аллақадерини жижизлатиб ўтса-да, ўзига таскин беришга уринди. «Нима қилай, эримдан қолган ёлғиз-ёдгорим катта бўлса куюлиб қолар», деди бу ҳақда унга гапирганларга ер чишиб.

Қачонки Турсунбой гивёндлик туғайли милицияга тушгач, Бўстон хола узок ўйланиб қолди. Бахтига боласи балоғат ёшига етмаганили ва яхшиларнинг аралашуви билан жазодан қутулиб қолди. Шундан кейин она ўглининг ҳар би қадамини кузатадиган бўлди. Афсуски Турсунбой энди ўта инжиқ, қайсар бўлиб қолганди. У чўртқесар, айтганини қилмай қўймади. Онасининг панду насихатлари бу қулоғидан қириб, унисидан чиқарди. Базан у билан соатлаб талашиб-тортишар, суҳбат охири онанинг ўсиқ кўнгли озор топиш билан якунланарди. Дами ичида қолган Бўстон хола ўғлига фақат худодан инсоф тиларди. Шундай кунларнинг бирида Турсунбой эрталаб онаси кўлига тутқазган папкани ховлига улоқтирди.

—Бугундан бошлаб ўқимайман. Ўқитувчиларнинг мингирмингири жонимга теги, — деди катъий оҳангда.

Бўстон холининг юраги ҳаприқиб кетди. Вой тавба, бу нимаси? Энди шуниси етмай туривди.

Она ялинди-ёлворди. Каттиқ гапириб кўрди. Турсунбой эса айтганидан қолмади. Бебарво кўчага отланди.

—Қоранг ўқсин, ундай бўлса бутунлай йўқол бу уйдан.

— Яхши, келмайман, — деди Турсунбой онасининг алам билан айтган сўзидан орқага қайтиб. —Шундоқ ҳам жиним кўзиб юрган эди. Мана энди бутунлай қутуламан сиздан.

Бўстон хола лабини тишлаб қолди. Нима қиларини билмай маҳалла оқсоқоли Қудрат аканинг олдига югурди.

Қудрат ака гина-қудурат қилмай ўтирмади. Онанинг кўнглини кўтарди. Ўглини топиб уйга қайтаришга ёрдам беришини айтди.

Турсунбой кидир-қидирнинг тўрттинчи кунни ярим кечада мактаб ақинидаги тут даррахтининг тигидан топилди.

—Сени шундоқ кўйларга солган онанг ўлсин, болам, — кўрқиб кетган Бўстон холининг уввос овози эшитилди.

Ўғил эса бебарво қалқанча осмонга қараганича хуррак тортарди. Кайфининг зўридан ҳеч нарсани сезмас, хис этмасди. Фақат ора-чора ўзича нималарнидир гулдираб кўярди. Қудрат ака уни куч билан уйғотиб ўрнидан тур-

газди. Икки киши дарҳол Турсунбойнинг қўлтигидан олиб аранг уйга олиб келишди. Иззат-нафси ерга букилган она кўпчилик олдида эса бўлди. Қани энди ер ёрилсаю кира қолса.

Турсунбой эрталаб алла-паллада ўрнидан турди. Уй ичида узок тимирсклиб юрди. Ховлида бир ҳолатда юрак чангаллаб ўтирган она уни ўз холига қўйди.

Турсунбой уйдан чиқиб ховлига тушди. Ювинмоқчи бўлиб водопровод томон борди, онасига қараб ишайди.

— Ҳафа бўлмайси эйи. Ҳозир бир жойга югуриб бораману кайтаман.

— Кўя қол болам. Яхши овқат қилиб берай, уйда ўтир. Бугун ўзи юрагим галати бўлиб турибди.

Турсунбой барибир кетди. Она уйга кирди, ётди-турди, бўлмади. Негадир кўз ўнгига ҳадеб эрининг қиёфаси жонланаверди. Шу чок ҳавлига никоҳ кўни эри совга қилган тилла узук тушди. Ўрнидан туриб тоқчадаги пиёлага қўл қўзди. Вой тавба, қайси кўз билан кўрсинки кечагина турган узук бугун жойида йўқ эди. «Бу Турсунбойнинг иши, — деди бироздан сўнг она алам билан. — Шундай бола турмай мен ўлай. Охиригидорғорлигимдан ҳам айирди-я».

Онани калтирок босди. Қани энди Ҳозир ёнида Турсунбой бўлса-ю аламиндан аччиқ-аччиқ гапириб бутун ғазабини тўкиб солса. Охири: «Эй, худо, бу кунлардан кўра эртарок жонимни ола қолсанг бўлмасиди», дея кўкка нола қилди.

Ярим кечада Турсунбойнинг ўзини эмас, ўлигини олиб қиришди эшикдан. У ўтирган жойида юрак журужидан вафот этти.

Қора оғуға ошно бўлган 18 ёшли навқирон йигитнинг гулдек умри мана шундай аянчилик якун топди.

Махмуд ОРИПОВ

Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
Сизларни 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш куни муносабати билан чин кўнгилдан муборакбод этади.
Она табиатни сақламоқ — Президентимиз айтганларидек
халқ саломатлигини узайтирмоқдир,
бу эса буюк келажагимиз пойдеворидир.
Зеро шундай экан, Сиз азизларга ойнинг нуридан,
куёшнинг ҳароратидан, булбулларнинг хонишидан,
зиллол сувнинг ҳаётбахшлигидан,
заминнинг сахийлигидан битилган энг эзгу,
самимий тилақларимизни билдириб қоламиз.

Байрамингиз қутлағ бўлсин, азизлар!

Спорт

ОКЕАН ОРТИДАН ХУШХАБАР

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида профессионал боксининг WBO йўналишида рақибларини мағлуб этаётган ўзбекистонлик Қувончбек Тойғанбоев ва Руслан Чагаевларга навбатдаги рейтинг жанглиридан сўнг яна омад кулиб боқди. 69,9 килограмм вазн тоифасида россиялик Андрей Цурканга қарши рингга кўтарилган Қувончбек Тойғанбоевга рақибини енгиш қийин келмади. Шуниси қувончлики, 10 раунд Қувончбекнинг тўлиқ устунлигида кечган беллашув ҳамюртимизнинг галабаси билан якуланиб, у рейтинг бўйича очколари сонини қўпайтириб олди.

Шунингдек, WBO йўналишининг 86,2 килограмм вазнли боксчилари орасида ҳозирча ўтказилган етти та жангнинг бирортасида мағлубият аламини тотиб кўрмаган Руслан Чагаевга бу сафарги саккизинчи жангда америкалик Греҳамга рўбарў келди. Очиги, америкалик чарм кўлқоп устаси Руслан томонидан берилган кучли зарбаларга бор-йўғи уч раунд бардош бера олди холос. Бокс ишқибозларига чиройли ўйин туффа этган Чагаев рақибини техник нокаут билан мағлуб этиб чемпионлик сари яна бир дадил одим ташлади.

Акбар Йўлдошев

• АСКИЯЧИЛАР ТАРИХИДАН

Давраларга файз киритган

Наслдан наслга ўтиб келаётган кизикчилик туфайли Жўраҳон Пўлатов ҳам аскиячилар сафига кириб қолган. Унинг ота-боболари таниқли кизикчи ва аскиячилар бўлишган. Катта бобоси Шомат кизик бўлса Зокир Эшон, Саъди Маҳсумлар билан бирга Бедийршум бошчилигида хон саройида ташкил топган гуруҳда фаол қатнашган. Кичик бобоси Нормат кизик Зокир Эшон (Зокиров) бошчилигидаги кичик озғак саҳна асарларини яратишда иштирок этиб, кулги шинавандаларининг олқишига сазовор бўлган. У сафдошлари Мулла Хошим, Мўмин кишлоқ, Саъди Маҳсум, Юсуфжон кизиклар билан «Карзани ундириш», «Болани ўқитиш», «Атторлар» каби кичик комик озғак спектакллари сайилгоҳлар ва дала-боғларда ижро этиб, ичкакузди ролларни моҳир-

лик билан бажарган. Жўраҳоннинг отаси Пўлат кизик эса ота-боболари касбининг давом эттириб, замондошлари Юсуф кизик, Охунжон кизик, Эрка Қори, Ака Бухор, Мамадали қорилар даврасида аския пайровлари ва кизикчиликларни олиб борган. Хатто у 1937 йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ҳам қатнашиб, кизикчилик соҳасида муваффақият қозонган.

Энди Жўраҳоннинг ўзи ҳақида гапирсак, у 1934 йили Пўлат кизик хонадонидан туғилди. Отаси ўша пайт-

лари Жўраҳон Султоновдек аскиячи-хофизининг санъат оламида парвоз қилаётганига ҳавас қилиб, ўғлим ҳам шундай бўлсин, деган ниятда фарзандига унинг исмини қўйганди. Шундан кейин у бошқа фарзанд кўрмади. Жўраҳон яқка-ю ёлғиз оила эркактойи бўлиб воғга етди. 1956 йили армия сафида хизматни бажариб қайтач, мусиқа мактабига кириб ўқиди. Аммо ота-боболари касби — кизикчилик, аскиячилик уни тинч қўймади. Турли бадийй кечалар, тўй ва зиёфатларда бўлган аския-пайровларда

иштирок этди. Кейинчалик Муҳиддин Дарвешов, Йўлдошхон Носиров, Ғиёсиддин Абдурахимов, Муҳаббатхон Тошпўлатова, Муҳаммадхон Шариповлар билан биргалликда аскиячи, кизикчилик гуруҳи ташкил этиб, унга бошчилик ҳам қила бошлади. Ҳозирги кунда Жўраҳон Пўлатов пойтахтимизда ўтайдиган барча байрамлар ва кизикчилик кечаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Куйида эътиборингизга Жўраҳон ака иштирок этган пайровлардан бирини ҳавола этамиз.

ЭШИККА ҚАРАНГ

ропор нарсани сўраса ҳар доим МУМ тишлаб ўтираверасиз, ука!

НЕЪМАТЖОН — Яхши гапирингиз айтганини қиламиз, аммо СЕН-МЕНга (цементга) бориб, асабининг ОШИҚ-МОШИҒИНИ уйнатиб юборишди.

ЖўРАХОН — Савдо ходимсиз, салга ОШИҚ-МОШИҒИНИ уйнаса ЕҒОЧдек озиб, соғлигингизни йўқотасиз, асабини асран!

НЕЪМАТЖОН — Мана ўзингиздан киёс қилинг, дўконга бормасдан, асабини узун МИХ билан қовла-писиз!

ЖўРАХОН — Хой ука, бу-

нақанги жиззакки бўлсангиз, савдода ишлолмайсиз, сал кенгрок бўлинг, дўконни доим ҚУЛФламай, бундоқ очиб ўтиринг!

НЕЪМАТЖОН — Дўконни очман, бироқ сизга ўхшаган келиб, материаллар нархларини қўриб, ТАХТАдай қотиб қолишди.

ЖўРАХОН — Нега ундай дейсиз, ҳозир ҳаммаёқда ТЕРАК экиш авжидан-ку, ўша те-раклардан ТАХТА тилдириб, нархини арзонлаштирсангиз бўлмайми?

НЕЪМАТЖОН — Айтиш осон, бунақанги уддабуронлик қилиш қийин. Урмон хўжалигига бориб, ТЕРАК-

ПЕРАК сўрасангиз, сиз сўраган арзон тераклар ҳали ўсиб етилгани йўқ, дейишди, ЭШИКНИ кўрсатишди.

ЖўРАХОН — Э ука, ўзингиз ҳам ўта лоқайд экансиз. Фақат дўконга ЕЛИМланиб қолмай, ўзингиз тахта тиладиган кичик қорхона очиб, тadbиркорлик йўли билан материалларни уйиб ташланг.

НЕЪМАТЖОН — Дўконга ОҲАК, ҚУМни уйиб қўйганман, қани сиздек бир сувоқчи бўлса кўтара савдо қилардим.

ЖўРАХОН — Бўлди ука, сиздан тadbиркор чикмас экан, ундан кўра ЭШИКка чиқиб, ТОШингизни териб юраве-ринг!

Оққа кўчирувчи
Олим БЕКОВ.

Давлат божхона қўмитаси ошхона жиҳозлари, спорт анжомлари, жалюзи пардалар харид этиш учун

ТЕНДЕР

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун

телефонлар:

120-76-60

Коммутатор:

120-76-00,

ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

2003 йил 28 май куни 18-сонли Москва-Бишкек поездининг 2-ваго-ни, 46-жойида Чимкент станцияси-га борган йўловчидан 29-24-58 телефонига кўнгирок қилишини сўраймиз.

Миробод туман ҳокимлиги Миробод туман «Сувсоз» қорхона-сининг «Оқава сувлар» бўлими бошлиғи

Владимир Армидинович АСАНОВИЧ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига қучур таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар —

133-28-95, 132-11-39;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

5952 нуссада босилади. Қоғоз бирими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақамда билан рўубатта омиған

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишини мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-маънавий акциядорлик компанияси бошхонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.